МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА STEAM ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ.

Джаналиева Гулбахрам Абурашитовна- ТМС институти, катта ўқитувчи
Турсунова Зубайда Билол қизи - ТМС институти, MTS 24-2 гуруҳ талабаси

Аннотация: мақолада ҳозирги кунда мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантиришда STEAM технологиясини аҳамияти ҳақида маълумотлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: интеллект, замонавий усуллар, халқаро тажрибалар, **STEAM** технологияси, педагогик – психологик омиллар, Мультистудия модули.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонининг 39-мақсад: Мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш: бунда боғча ҳодимларининг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратини ошириб боришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш, мактабгача таълим-тарбия жараёнларини илмий асосланган ёндашувлар асосида такомиллаштириш ҳамда таръълим-тарбия беришнинг шакл ва методикаларини халқаро тажрибалар асосида қайта кўриб чиқиш” каби вазифалар белгиланган

Мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитларни яратиш мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг мавжуд тартибини қайта кўриб чиқишни ҳамда мактабгача таълим хизматларини кўрсатишнинг замонавий усулларини жорий этишни талаб қилади.

Мактабгача таълимни янада ривожлантиришнинг энг муҳим талабларидан бири таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация

технологияларини кенг жорий этиш ҳамда халқаро тажрибаларга асосланган. Бизга маълумки, STEAM-табиий фанлар, технология, муҳандислик, санъат ва математика фанларини уйғунликда ўқитиш усули бўлиб, STEAM технологияси таълимдан фарқли равишда билимларни алоҳида эмас, ўзаро мутаносиб ҳолда олиб боришни таъминлаб беради. Ўқувчи ўзида ностандарт фикрлаш, муаммога бир нечта ечим топиш ва ижодкорлик кўнкмаларини шакллантиради ва бу унинг келажакдаги фаолиятида жуда қўл келади.

STEAM технологияси қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш.
2. Ўқув вазифаларини амалий бажариш.
3. Фаолиятларни интеграциялаш.

STEAM технологиясида фаолиятлар жараёнида қуйидаги фанлар интеграциялашади:

S – science - табиий фанлар

T – technology - технология

E – engineering – муҳандислик

A – art – санъат

M – math – математика.

STEAM таълимининг таълим беришни ўқув фанлари бўйича эмас, балки “мавзулар” бўйича интеграциялаб олиб бориш; Блимларни реал ҳаётда қўллаш; Танқидий тафаккур кўникмаларини ривожлантириш ва муаммоларни ечиш; Билиш компетенцияси, коммуникатив компетенция ва ижтимоий компетенцияларни тарбияланувчиларда ривожлантириш; Мактабгача ёшдаги болаларда жамоада ишлаш кўникмаларини техник фанларга бўлган қизиқишларни ривожлантириш; Фаолиятда креатив ва инноватсион ёндашув;

Тарбияланувчиларда STEAM кўникмалари шаклланган, боланинг борлиқ, бизни ўраб турган дунё билан интеллектуал характерга эга бўлган билимлар

жамланмаси тобора ривожланиб боради. Дастур замонавий стратегик принципга, Россия таълим тизими-мактабгача ва мактаб босқичларида асосланиб икки ижтимоий институтларнинг, яъни оила ва таълим ташкилотининг ҳамкорлиги тамойилига таянади.

STEAM технологияси Фридрих Фребелнинг дидактик тизими, STEAM таълим модули, Жонли ва жонсиз табиат билан тажриба ўтказиш, STEAM таълим модули, ЛЕГО - қурилиш, конструксиялаш – STEAM таълим модули, Мактабгача ёшдаги болаларда математик ривожланиш, интеллектуал қобилиятлар таълим модули, Робототехника – STEAM таълим модули, “Мультистудия” STEAM таълим модулларига бўлинади

Мультстудия — бу мультфильм, анимация ва рақамли контент яратиш учун мўлжалланган ижодий муҳитдир. Унда болалар ва ўқувчилар:

- сценарий ёзиш;
- қаҳрамонлар яратиш;
- декорация тайёрлаш;
- кадрга олиш;
- монтаж қилиш;
- овоз бериш ишларини амалга оширадилар.

Мультстудия ўқувчиларнинг нафақат ижодий, балки техник қобилиятларини ҳам ривожлантиради. Мультстудия эса STEAM таълимнинг самарали модулларидан бири бўлиб, у ўқувчиларнинг ижодий ва техник қобилиятларини бир вақтнинг ўзида ривожлантириш имконини беради.

Мультфильм яратиш жараёнида болалар расм чизиш, сценарий тузиш, кадр олиш, монтаж қилиш ва овоз бериш каби турли фаолиятлар билан шуғулланадилар. Бу эса уларнинг фанлараро билимларини мустаҳкамлайди

STEAM технологияси асосида машғулотларни ташкил этишда интерфаол

усуллардан фойдаланиш, мактабгача таълим тарбияланувчиларига ахборотларни жадал тарзда тақдим қилиш, муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, изланувчанлик ва ихтирочиликка асосланган ижодий муҳит яратиш, диалогдан самарали фойдаланиш, болаларни турли дидактик ва ролли ўйинларга жалб қилиш кабилар самарали натижа беришни таъминлайдиган инновацион муҳит яратишга асос бўлади.

Фойдаланган адабиётлар руйхати:

1. Ашурова З. М. Замонавий таълимда STEAM таълим технологиясидан фойдаланишнинг мазмун ва моҳияти// Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этишда таълим сиатини бошқариш муаммолари халқаро илмий амалий анжуман. Қўўқон-2022, 20-май. 502-бет.

2. Ашурова З. М. Мактабгача таълимда STEAM таълим технологиясининг аҳамияти// Бошланғич ва мактабгача таълим сифатини ва самарадорлигини ошириш муаммолари: инновация, рақамли технологиялар ва халқаро тажрибалар. Республика илмий амалий анжуман. Бухоро-2022, 13-14 май. 242-бет.

3.Ашурова З.М. “Мактабгача таълимда STEAM технологияси” (60110200 - Мактабгача таълим) ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022-йил 2-августдаги 257-сонли буйруғига асосан. Р: 257-013.